



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 10 июнь, шанба

№44 (11.229)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

2000/2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларини етух педагог кадрлар билан таъминлаш, таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва республика иқтисодиётининг олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳамда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР қилади:

- 2000/2001 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 49500, шу жумладан, 19800 давлат грантлари ва 29700 тўлов-контракт асосидаги қабул квоталари белгиланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари ҳамда таълим йўналишлари бўйича тақсимлансин.
- 2000/2001 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул квоталари 3600, шу жумладан, 1400 давлат грантлари ва 2200 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича тақсимлансин.
- Мазкур ўқув йилида илк бор табиёт олий таълим муассасаларида магистратурага қабул амалга оширилиши ва ундаги ўқув жараёнининг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда, магистрлар тайёрлаш бўйича профессор-ўқитувчиларнинг талабаларга нисбати 1:5 этиб белгилансин.
- 2000/2001 ўқув йилида табиёт олий таълим муассасалари қошидаги 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимига умумий қабул квоталари 200, шу жумладан, 100 давлат грантлари ва 100 тўлов-контрактлари асосида белгиланиб, улар республика табиёт олий таълим муассасалари бўйича тақсимлансин.
- 2000/2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси-нинг таркиби тасдиқлансин.
- Давлат комиссиясига: 10 кун муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига бакалаврлар тайёрлаш бўйича талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом»га ва «1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида Низом»га; тест синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, тўлов-контракт асосида белгиланган умумий қабул режаси доирасида, қабул кўрсаткичларига зарур бўлган ўзгаришлар киритишга рухсат берилсин.
- Тасарруфиди олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли таълим муассасаларида давлат грантларини ва тўлов-контракт асосидаги бакалаврият ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларни Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар билан биргаликда, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабаларига мувофиқ, ҳар бир

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2000 йил 8 июнь.

Ғалла ўрим-йиғимида шаймисиз?

ҲАММА САФАРБАР

Эрта тонгда туриб, бугдойзорларни айланиб, ҳосилнинг чўғидан кўнгли тўлган раис сўз сўзлаб ҳаётга қайтиб келди. Иш столининг чап томонида икки жойда чамаси ярим ховучдан келадиган бугдой уюмига кўзим тушди.

— Мана буниси обдон пишиб етилгани, — деди у менга бугдой намунасини кўрсатиб, — уримни бошласа бўладиган ерлардан олинган.

— Мана буниси, — деди иккинчи уюмга ишора қилиб ва кўлига олиб кўриб, — ҳали унчалик пишиб етилмаган. Агар ҳовлиқ ўримни бошласангиз, ҳосилнинг баракаси бўлмайди. Буришиб, қуришиб чўғи қамаяди.

— Шошмаслик керак, демокчимсиз? — Шошмаслик ҳам керак, — дейди раис Султон Ҳамидов, — бироз бўлсада вақтидан ўтказиб юбормаслик ҳам шарт. У ҳолда бошқолардаги дон тўқилиб, нобуд бўлади. Хуллас, ўрим мавсуми шундай мавсумки, бу мавсумда олдиндан пухта

— Бу бошқа гап, — дея раис рўпарасида турган бош муҳандисга қаради, — эшитдингиз-а, ҳозир мен билан бирга юрасиз. Тегишли жойга бирга борамиз. Ҳайдовчилар айтган қисмларни, албатта, топиб келтириб беришга ҳаракат қиламиз.

Хуллас, шу кун мавсумда асқотадиган бошқа техникаларни ҳам мумкин қадар ҳар жихатдан тайёр қилиб қўйишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди.

— Бу йил, — деди раис, — 300 гектар ерда «Қулава» ва «Димитро» навли бугдойларни экиб, ҳосил етиштирдик. Махсус 19 кишидан иборат штаб ўримнинг боришини назорат қилади. Ҳар бир штаб аъзосининг зиммасига аниқ вазифа топширилган. Улардан бири ўримни қачон, қаердан бошлашни, иккинчиси ўримнинг боришини, яна бири ҳосилнинг чўғини, бошқаси ҳосилнинг машиналарга орти-либ, оморбга етказилишини кузатади. Хуллас, даладан ўриб-йиғилиб янчилиб,

тайёр қилинган ғалла ҳосили ҳеч тўхтовсиз оморларга боради.

Комбайнлар бир жойга жамланади. Ўрим бригада усулида ташкил этилади. Дала шийпонлари таъмир-лариб, ўримда қатнашадиганларнинг туш-ликлари дам олишлари, иссиқ овқат ва чой билан таъминлаш



ри учун зарур шарт-шароитлар яратиб қўйилган. Меҳнат ҳақи ишбаъ асосида тўланади. Комбайнчи, дейлик, неча гектар майдондаги ғаллани ўрганилиги, юк машинаси ҳайдовчисига неча километр масофага, қанча тонна ғаллни ташиганлигига қараб ҳақ ёзилади ва вақтида берилади. Ўрим мавсумида иш кечаси-кундузи ташкил этилади. Жамми, хизмат кўрсатиш тармоқлари ана шу жараёнга мослаштирилиб, қўйилди.

— Белгиланган режа бўйича ҳар гектардан ўрта ҳисобда 39 центнердан ҳосил йиғиштириб олишни мўлжаллаганимиз, — дейди раис, — бу иш нихоятда қисқа муддатда амалга оширилди. Ўзимизнинг ва қўшниларимиз ёрдамга юборадиган комбайнлар сафига туманимиздаги техника хизмат кўрсатиш тармоғига қарашли «Кейс» машинаси келиб қўшилса, албатта, мўлжалимиз амалга ошади. Давлатга 750 тонна дон етказиб берамиз.

Биз илгир бригада бошлиғи Маман ака Фуломов билан суҳбатлашдик.

— Бу йил биз, — дейди у, — 30 гектар ерда ғалла етиштирдик. Ҳар гектардан камиди 40 центнердан ҳосил йиғиб олишни кўзда тутяпмиз. Деҳқонлар билан келишиб олганимиз. Шартнома шартлари бажарилган, улар ўзларига тегишли ғаллни, албатта, оладилар.

Тошкент туманидаги Тўлаби номли жамоа ҳўжалиги ғаллакорларининг ниятлари ҳолис, ҳаракатлари баракатли. Дала айланиб, деҳқонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг ишлари билан танишарканман, кўтаринки руҳда меҳнат қилаётганликлари, албатта, мақсадаги эришшларига ишонч ҳосил қилдим.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ САИД АҲМАДГА

Муҳтарам Саид Аҳмад ака! Сизни ҳаётингиздаги қўлғу кун — табаррук 80 ёшингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Халқимиз Сизни миллий маданиятимиз равақига улкан ҳисса қўшган бетақорор сўз санъаткори, захматқаш адиб сифатида билади ва қадрлайди. Ўртимизда сеҳрли қаламнингизга мансуб гўзал романлар, ранг-баранг қисса ва ҳикоялар, сахна асарлари кириб бормаган хонадон йўқ. Улардаги ҳаёт манзаралари, инсоннинг нозик қалб кечинмалари тасвири ўзининг миллийлиги, халқчил ва теранлиги билан адабиёт муҳлисларининг меҳрига сазовор бўлган. Миллатимиз руҳининг бадиий ифодаси бўлмиш «Уфқ» романи, жаҳоннинг турли мамлакатларида намойиш этилаётган «Келинлар кўзголини» драмаси бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Сиз босиб ўтган умр ва ижод йўли халқимиз ҳаётини, унинг ақин тарихини бутун мураккабликлари билан ўзида мужассам этган. Шу боис, нафақат бизнинг замондошларимиз, балки келгуси авлодлар ҳам халқимизнинг ўзига хос олижаноб фазилатлари, унинг бошига тушган оғир синовлар, бу йўлда аждодларимиз кўрсатган матонат ҳақида Сизнинг асарларингиз орқали тасаввурга эга бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Сизнинг букилмас ирода ва қатъият билан давр бўронларидан мардона ўтиб, халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқаётган мана шу озод замонга етиб келганингизда ҳам теран рамзий маъно бор. Бу одам яхши ният йўлида сабр-қаноат билан меҳнат қилса, албатта бахтли кунларга эришади, деган қадим ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди.

Қадрили Саид Аҳмад ака! Бугунги таваллуд айёмингиз янги маъно-мазмун билан бойиб бораётган миллий адабиётимизнинг, бутун халқимизнинг байрамидир. Эл-юрт хизматига ўтаётган умрингизга умр қўшилсин. Узоқ йиллар адабиётимизнинг азиз оқсоқоли, ёшларимизнинг меҳрибон устози бўлиб юринг. Чексиз эҳтиром билан

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ВИЛОЯТ ҳаёти

ТАШАББУС ЎЗИНИ ОҚЛАДИ




лар. Туман ҳўқимлиги маорифчиларнинг ташаббуслари қувватлаб 40та мактабга икки кўтидан уруғ тарқатишга ёрдам берган эди.

Мавсумда астойдил ишлаган мактаб жамоалари меҳнати зое кетмади. Улар ҳар кўти уруғдан 52 килограммдан пилла топиридилар.

Ҳасан САИДОВ.

«УСТОЗ» ГРАНТЛАРИ



«Устоз» жамғармаси республика ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, докторантлари ва аспирантларини ҳорижий мамлакатларга юбориш юзасидан эълон қилган танловнинг грант совриндорлари аниқланди. Қайта тайёрлаш, малака ошириш, таъриб-аламшиш мақсадида ўтказилган бу республика танловида Тошкент вилояти ўқув юртлари вакиллари ҳам қатнашди.

Омаллик Давлат техника коллежи ўқитувчиси Инобат Ҳайдарова педагогика йўналиши бўйича грант совриндори бўлди. Тошкент Давлат Аграр уни-

верситети аспиранти Санжар Одилов, ўқитувчи Дилбар Қолмирзаева ва Шахноза Қолмирзаева меҳнат, маркетинг ва педагогика бўйича малака ошириш, таъриб-аламшиш мақсадида Америка, Франция каби давлатларга йўлланма олдилар.

Ақбар АЛИЕВ.

ҲАМИША ФАОЛ




нидан 67 минг сўмлик тайёр озиқ-овқат ночор оилаларга ёрдамга муҳтож болаларга тарқатилди.

Жамғарманинг Қизил ярим ой жамияти виллоят бўлими ва бошқа нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда Янгийўл шаҳрида ўтказган тадбири «Оғоҳ бўл ўсимир, гиёҳвандликнинг охири вой» деб аталди. Унда шаҳардаги озиқ-овқат ва табиёт коллежлари ўқувчилари гиёҳвандликнинг зарари ҳақида атроф-лича фикр юритдилар.

Саид ВАЛИЕВ.

ГУЛ КЎЧАТИ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!



Чирчиқ коммунал-фойдаланиш бошқармасига қарашли бу бўлим гул кўчатлари етиштиришга ихтисослашган бўлиб, ҳар йили миллионлаб шундай ниҳолларни миҳозларга етказиб беришда. Унинг ҳодимлари бу йилдан бошлаб шаҳардаги қорхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг бюротларини бепул бажаришяпти. Жорий йил бошидан бери «Саноат-техмонтаж», «Чирчиқсувоқ-ва» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Чирчиқш-лоқхўшмаш» акциядорлик жамияти ҳамда шаҳардаги бир қатор муассасалар, жумладан болалар боғчалари таҳсинга лойиқ.

ри, оромгоҳлари, сихатгоҳларга шундай ҳиммат қилинди. Жамоа ўзи етиштиратган гул кўчатларини виллоятимизнинг барча шаҳар-туманларига ҳам етказиб бериш истагиди. Бунинг учун бюротмачилардан ҳақ олинмайди. Гул кўчати керак бўлса, бўлимга мурожаат қилаверинг.

Ҳамид СОБИРОВ.

САМАРАСИ 200 МИНГ СЎМ

Янгийўлдаги 2503 автожамлама рационализиаторлари киритётган таклифларнинг иқтисодий самараси салмоқли бўлмоқда. Чунончи, А. Каримов, А. Ражабов ва С. Мамасуровлар таклифи қўйилгандан зийд натижа берди. Маълумки, қозонхона ва қуворларда уларга ёпишиб қолган қурумларни йўқотиш учун тузели қоришма ишлатилади. Шу вақтгача ундан бир марта фойдаланиларди. Ихтирочилар гуруҳи уни қайтадан ишлатиш технологиясини йўлга қўйди. Натижада ҳар йили 50 тоннагача тузни иқтисод қилиш имкони туғилди. Бу эса, бир йилда 200 минг сўмдан ортиқроқ фойда қуришни таъминлайди.

Ҳамид МАҲМУДОВ.

Республикамиз ўзининг иклими ва ҳўрофий ҳўйлашларини билан бошқа давлатлардан бирмунча фарқ қилади. Чунончи, ўлкамиз зилзила, қор ва ёр кўчиқлари, сел ва сув тошқинлари ва бошқа таъноған тусадиги фавқуллода вазиятлар рўй бериши эҳтимолдан ҳоли зона эмас. Ана шу ҳўлатлардан келиб чиқадиغان бўлса, нафақат республикамиз, балки қўшни давлатлар томонидан табиий равишда юз бериши мумкин бўлган фавқуллода вазиятлардан хабардор бўлиб туриш қони фойда. Маълумки, баҳор фаслида момақалдирик гўмбурлаб, чакмоқ чакшичи, ёмғир, кўчи хала ва дўл ёғиши табиий ҳўл. Бирок ўшбу фаслнинг тугаши — энди ёз келиб, бу ёғига ёғингарчилик бўлмайди, дегани эмас.

Хабарингиз бор, 1998 йил 7 июль кўни Фарғона виллоятининг Шоҳимардон қишлоғида, шу воқеадан бир ой ўтгач, яъни 8 августда Қашқадарё

ОФАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИ

виллояти, Яққабғ туманининг тоғли ҳудудларида, шунингдек, 1999 йилнинг 7 июлида қўшни Тожикистоннинг Ашт ва Даҳана туманларида рўй берган кўчи сел-бутана катта вайронгарчиликларга олиб келиб, иқтисодиётга анчагина зарар етказган эди. Юқоридаги воқеалардан маълумки, ёзининг ҳазирама ойларида ҳам сел ва сув тошқини, тупроқ сурилиши ҳодисалари ва бошқа шунга ўхшаш кўнгилсиз воқеалар рўй бериши мумкинлигидан далолат беради. Буюқ француз адиби Ф. Фенелон «Хавф рўй бермасдан ҳаракат қилиб, унинг олдини олиш керак. Бирок у содир бўлган тақдирда ягона қурол жасоратдир», деган эди.

Ана шу ҳўлатларни назарда тутган ҳўлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 апрелда «Тошкент ва селдан қўрилиши мумкин

бўлган зарарнинг олдини олиш, аҳоли пунктлари, гидротехника иншоотлари, каналлар, темир йўллар ва шоссе йўллар, кўприклар ва қишлоқ ҳўжалиги экинлари сақлашни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида» 128-сонли қарори чиққан ва шу муҳим ҳўжжатда кўрсатиб ўтилган масалалардан келиб чиқиб, турли соҳа мутахассисларидан таркиб топган фавқуллода комиссия тузилган эди. Улар биз юқорида айтиб ўтган турли офатлардан аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасида жойларда олиб борилаётган ишлардан хабардор бўлиб турибдилар.

Бундан ташқари, жойларда аҳолини қўчи, сел ва сув тошқинларидан оғоҳ этиш мақсадида кузатув постлари ўрнатилган эди. Айниқса, бу борада Тошкент виллоятда ишлар яхши йўлга қўйилган. Баҳор ойининг бошларида фавқу-

лодда вазиятлар рўй бериши мумкин бўлган айрим шаҳар ва туманларнинг хавфли ҳудудларида жами 12 та, яъни Бўстонликда 4, Ангрен ва Оҳангаронда 6, Паркентда эса 2 та кузатув постлари фаолият кўрсатаяпти. Айни пайтда бу масканларда Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг қўчи тизимларида иш олиб бораётган ҳодимлар шу ерлик аҳоли оқсоқолигини таъминлаш, хавфли ҳудудларга одамларнинг ўтишига йўл қўймаслик мақсадида кечую кундуз навбатчилик қилиб турибдилар. Бунинг эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир кузатув пости транспорт ва тезкор алоқа воситалари билан таъминланган бўлиб, посбонлар ҳар кўни вазирлик навбатчилик қисмига жойлардаги вазият тўғрисида тез-тез хабар етказиб туришди.

Яқинда Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ҳодим-

лари ва «Бошгидромет» мутахассислари билан ҳамкорликда «Ўзбекистон хаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли вертолётда республикамиз ҳудудлари ва унга туташ хавфли қўшни давлатларнинг баланд тоғли жойларига қўчи, қор ва муз қўчиши ва эриши ҳодисалари билан боғлиқ бўлган вазиятни атрофлича ўрганиб келдилар. Фавқуллода вазиятлар вазирлиги бўлим бошлиғи, полковник Зариф Тўшбоевнинг айтишига қараганда, яқин кунларда табиий офатлар юз беришига доир ҳеч қандай хавф-хатар йўқ.

Халқимизда «Ўзини асрагани Аллоҳ ҳам асрайди» деган гап бор. Шундай экан, хавф-хатарнинг катта-кичиги бўлмайди. Шунинг учун ҳам аҳолини ва ҳудудларни табиий, техноген ва экологик тусадиги фавқуллода вазиятлардан муҳофаза қилиш борасида Ўзбекистонлик наҳоткорларимизнинг бу борада амалга ошираётган ишлари таҳсинга лойиқ.

Азамат СУЮНОВ.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛАДИ, ҚУДРАТЛИ ЮРТНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ БЎЛАДИ

Ота-она ўғил-қизларини жамиятга, эл-юртга сadoқатли қилиб тарбиялаши, болаларда энг юксак инсоний фазилатларни шакллантириши зарурлиги ҳақида кўп ўқитганимиз, оммавий ахборот воситаларида бу мавзуларда турли чиқишларнинг гувоҳи бўлганмиз. Лекин, баркамол оила қандай бўлиши керак? Барпо этилаётган янги ҳукукий демократик жамиятимизда у қандай ўринни эгаллаши лозим? Бу каби саволларга кўпинча умумий жавоблар билан чекланардик.

Шу йилнинг 24 февраль куни Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган, «Соғлом авлод» давлат дастурини ба-жаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Республика комиссиясининг мажлисида Президентимиз Исрол Каримов оиланинг соғлом ва маънавий етук бўлиши та-моилларини батафсил шарҳлаб берди.

Бу борада Ўртабшмиз биринчи навбатда эътибор қаратилиши зарур бўлган устивор йўналишлар сифатида, аввало, баалоғат ёшига етган қизларни мактабдаёқ оилавий ҳаётга руҳий, жисмоний ва тиббий жиҳатдан тайёрлаш кераклигини қайд

қилганимиз керак. Бунинг учун ёшларнинг жамият, маҳалла кўйидаги ўрни, муомала маданияти, маънавий, оила қура-гач қайнота, қайнонага муносабатлари, рўзгор юртишидаги саъй-ҳаракатлари, интим ҳолатлари ва вазибалари ҳу-

ОИЛА — МУҚАДДАС

сусида содда тил билан ёзилган кўлланмалар, чўнтак китобчалар чоп этилса мақсада-га мувофиқ бўлир эди.

Одамлар орасида «албатта шунгайим китоб керакми, ота-онадан, ўртоқларидан ўр-наиб олаверадилар», деган гап-лар ҳам юради. Мен бу фикр-га қўйишга олмаيمان. Ёш келин-куёвнинг бир-бири билан ўзаро муомала қили-ти

сида ҳеч қандай мавзулар ўрин олмаган ва бу мақсад қилиб қўйилмаганди ҳам.

Оила қуриш масаласи ҳар бир инсон ҳаётида — у йигит бўладими, қиз бўлади-ми — улкан ҳодиса эканини, бу масала шахсий, ҳусусий доирадан чиқиб, и ж т и м о и й аҳамият касб этишини кенг жамоатчиликка тушутириб бе-ришимиз лозим, — деб таъкидла-ди Исрол Каримов ана шу йи-ғилишдаги эр-кин суҳбат чоғи-да.

Чиндан ҳам шундай. Аъзо-лари баодоб, меҳнатсевар, камтар, билимли, дунё воқе-аларидан хабардор, элим-юртим деб ёниб яшайдиган оила — жамият қўрқидир. Бун-га эришиш учун мактаб, ма-ҳалла, ўқув юртлири, нодав-лат ташкилотлар ҳамкорлиги ҳам зарур бўлади.

Оилага дахлдор муаммо-ларнинг ечимиде кейинги

ларини ҳар қандай шароитда ҳам бошқара олишга ўргатиш-дир. Шу таразда оилаларда соғлом дунёқараш туйғулари мустаҳкамланиб боради.

Иккинчи дастур ёшларни ОИТС касаллигидан, гиёҳ-вандликнинг ҳуқуқ оқибатла-ридан хабардор қилишга қаратилган. Бунда гиёҳванд-ликнинг, ичкиликбозликнинг зуриётга таъсири, иктисодий, маънавий зарарлари, таносил касалликлари ҳусусида таъ-сирчан, жонли маърузалар билан чиқилмоқда.

Ёшлар билан мулоқотлар-да тиббиёт фанлари номзо-ди Феруза Фозилова, шарқ-шунос олим Баҳодир Сид-диқовларнинг ҳамиша фоол-ликлари таъкидлаш ўрин-лидир. Улар ўз саъй-ҳара-катлари билан, билим ва ма-лакаларини ишга солиб ўқувчиларнинг кенг ишти-рокида турли тадбирлар таш-кил этишга иштирокдорлар. Катнашчиларга Болалар ҳуқуқий Конвенцияси, Ўзе-бекистон Республикасининг «Оила Кодекси», «Усмирлар гигиенаси» ҳақидаги, шу-нингдек, ОИТС, гиёҳванд-лик, ичкиликбозликнинг аянчи оқибатларига доир бўклетлар тайёрлаб тарқати-лиши, улардаги қизиқишни кучайтириб бормоқда.

Уйлаймизки, «Соғлом ав-лод» дастурининг биринчи-галда эътибор берилиши керак бўлган муҳим йўнали-шидаги дебона ишлар ҳали янада такомиллашди ва ку-тилган самараларни бераве-ради.

Манзират ҲОЛМАНОВА,
фалсафа фанлари
доктори.

ИСТАК БЎЛСА, ИМКОН ТОПИЛАДИ

Кўйичирик туманида-
ги Боровий номли жамоа-
га ҳужалиги ҳудудда Фаол-
ят кўрсатиб келган турта
корпусдан иборат йирик
шифохона бутунлай қайта
таъмирланиб, аёллар ва
болалар сихатгоҳига ай-
лантирилади.

ТУМАН ҳокимлиги ҳамда соғлиқни сақлаш бўлимининг ташаббуси ва бевосита ёрдами асосида бажарилган бу қурилиш «Соғлом авлод йили» дастури бўйича амалга оширилган энг йирик хайрли ишлар-дан бири бўлди дейиш мумкин. Бу тадбирни ўтказишдан асосий мақ-сад туманда истиқомат қилаётган барча аёллар ва болалар саломатли-гини муҳофаза қилиш базасини янада мустаҳ-камлашдан иборатдир. Истақ хайрли бўлса, им-кон ҳам топилади экан.

Аввало, маблаг маса-ласи оқилона ва жўн ҳал этилганлигини таъкид-лаш жоиз. Гап шундаки, тумандаги барча қишлоқ ҳўжалик корхоналари ва айрим ташкилотлар со-биқ шифохонанинг ҳар бир хонасини ўзаро бўлиб олиб, тўла қайта таъмирдан чиқардилар ва сифатли пардоз бер-дилар. Улар бу билан қиёфаланиб қолмай, хона-ларни замонавий жиҳоз-лар билан безатиш ҳам ўз зиммаларига олдилар. Гилам-поёндоз телеви-зордан тортиб, ҳамма керакли хона анжомлари уларнинг маблаглари ҳисобидан бўлди.

Туман ҳокимлиги, ви-лоят ва туман соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳам қуруқ ташаббус билан чекланмай, ташхис қўйиш ва муолажа олиб боришда ишлатиладиган барча тиббий асбоб-ус-қуналар учун зарур бўла-диган маблагни топа ол-дилар. Сихатгоҳ хонала-рига жами 20 минг дол-ларлик замонавий тиб-биёт анжомлари ўрнатил-ди.

Бунинг иложини қилишда бошқа саҳоват-ли хомийлар ҳам топил-ди.

Жумладан, туман ҳуду-дидаги 564-қурилиш таш-килоти, туман автомобил-йўллари қурилиши ва таъмирлаш бошқармаси жамоалари ҳам собиқ шифохонани аёллар ва болаларнинг муқаммал сихатгоҳига айлантириш-га катта ҳисса қўшдилар.

Янгилаган шифо мас-канида бутунги қатнаш 16 нафар малакали тиббиёт ходимлари муолажага муҳтож аёллар ва бола-ларга хизмат кўрсатмоқ-далар.

**Санджон
МУСТАФОВ.**

БУГУННИНГ ТАРБИЯСИ

Кўшнимиз, ҳамшира Меҳри опа бир кун шун-дай деб қолди:

— Шанба куни эди ча-мадан. Оила ҳам бўлиб овқатни тановул қилар-дик. Ўғлим 30-каналнинг қулғонини бураб «Муқай-моқ» кўраман, деб қол-ди. «Муқаймоқ» нима экан, деб мен ҳам қизиқ-дим. Кейин билсам, за-монавий ўзбек эстрада юлдузлари ҳақидаги кўрсатув экан. Бир пайт «Бўстон» гуруҳининг «Об-лака» кўшиқ клипи эк-ранни эгаллади. Аввали-га бу гуруҳ бирон чет эл-ниқидир, деб ўйладим. Лекин кўйлаётган ярим

яланғоч қизу йигитлар-нинг юз-кўзларини ўзбекка ўхшатдим. Ном-и ҳам ўзбекча: «Бўстон». 1-синфга борадиган қизим: «Ойи, улар ўзбек бўлишига уялишмайди-ми?» деб қолди. Шунда-гина телевизорни ўчири-шим кераклигини тушу-ндим. Кўшиқ эса тамом бўлаёзганда: «Ойи, яна битта кўшиқ эшитай-лик», деб ўғлим этаким-га ёпишди. Иккиланиб турганимда Рустам Мах-мудов кўшигини кўйлаб юборди. Лекин шу то-пда ўғлим: «Ойи, нега кўшиқ бошида анови одам «Начали» деб си-гарет чекди? Нега охи-рида ўзбекча раҳмат айтмади?» дея савол ёғдира кетди. Болала-римнинг бу сўроқларига қандай жавоб беришни билмай: «Бугундан кей-ин «Муқаймоқ» кўриш йўқ!», деб юборибман. Очиги, нима деб уларга тушинтиришни ҳам бил-масдим. Шу-шу болалар-га фақат «Янги авлод»-«Умид»нинг кўрсатува-рини кўришга рухсат бе-раман.

Кечаги кун боласи би-лан бу куннинг боласини асло тенглаштириб бўл-маслигини ҳис қиламан. Бу кун боласининг дунё-қараш ҳам, талаби ҳам ўзгача.

Бир куни жияним мак-табдан йиғлаб келди. Билсам, бир бола билан жанжаллашиб қолибди. Ҳалиги бола жиянимни ҳақоратлабди.

— Нима деди ахир? — дея сўрасам, у ҳиқиллаб: — Менга тухмат қил-ди... Мени ваҳҳобий деб ҳақоратлади, — деди.

Демак, улғаяётган фарзандларимиз энди жамиятимиздаги иллат-ларни ҳам пайқай бош-лапти.

Ана шундай ҳар бир нарсига теран кўз билан қарашга интилаётган бо-лаларимизга тарбияни оилада муқаммалроқ бе-ришни ўйласак, қанчалар яхши бўларди.

Фарида ИБРОХИМ

қизи,
ЎЗМУ журналистика
факультети талабаси.

Бирор кимса ҳақида та-саввуғга эга бўлмоқчи. Ис-тасанг, унинг эшитиш-юв-лисига назар сол дейиша-ди. Шу маънода Ангрен шаҳридаги таянч-ҳаракат аъзолари хаста болалар учун иктисодлашган 37-сон-ли боғчага қирган одам бир олам илик таассурот олиши янлик. Болаларни оҳан тетик, маънавий бар-камол, жисмонан бақувват, ҳар томонлама етук шахс-лар сифатида ўлғайтириш-ни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мазкур муассаса жамоаси учун кичиктой-лар саломатлиги тушунча-си алоҳида теран маъно касб этади. «Соғлом авлод» давлат дастури эса, инчу-нин.

Тарбияланувчилар сало-матлигини мустаҳкамлаш учун бу ерда барча шаро-итлар мавжуд. Авваламбор боғча дид билан қўқалам-зорлаштирилган. Сайр ва ўйин майдончалари ям-яшил ўсимликлар оғуши-да. Қолаверса, болалар-нинг ўзлари ҳам гуллар парваршига бевосита жалб этилган, уларни эки-шади, суғоришади, ўсти-ришади. Табиатга меҳр қўйиш, фаол меҳнатга ин-тилиш эса ҳамиша соғлом-ликнинг илк гарови бўлиб келган.

Физиотерапия хонасида тарбияланувчилар дерсен-вал, УВЧ, солюкс, элект-рофарез, тубус-кварц, па-рафин каби муолажанинг турли усулларидан баҳра-манд бўладилар. Ши-ринсўз ва меҳрибон ҳам-шира Ф. Ўзбекованинг ўзлари учун ҳамиша хиз-матга шайлигини яхши билган кичиктойлар унинг муолажаларига мамнуният билан қатнайдилар. Болалар севадиган яна бир муолажа — Д. Галамова ва Н. Кузнецовларнинг мала-кали массаждир. Уни тар-бияланувчилар қанда қил-майдилар.



зарур барча тренажёр ва мосламалар бор. Боғча ҳудуди-да ҳаракатнинг ҳамма асосий турлари (югуриш, сакраш, мувозанат сақлаш, тош ўлок-тириш, юқорига ўрмалаш, туйнуқлардан ўтиш ва ҳока-зо) бўйича тўлиқ жиҳозлан-ган спорт мажмуасини ҳам кўриш мумкин. Ҳар очик ва иссиқ кунларда жажжи пола-понлар бу ерда яйраб, маш-гулотларда қатнашишади. Шунингдек, волейбол, фут-бол, баскетбол, теннис, чим устида ҳоккей, городки, ро-ликлар ва велосипедга юриш каби спорт ўйинларининг да-стлабки сабоқлари ҳам кич-кинтойларга шу ерда бери-лади.

Болаларни соғломлашти-риш учун гимнастиканинг кўпгина анъанавий усулла-ридан, хусусан, ушу ва

стретчингдан фойдаланила-ди. Боғча жамоаси «Отам, онам, мен, ҳаммамиз — спортчи оиламиз», «Соғлом авлод учун» шаҳар, вилоят танловларида фаол иштирок этиб келаётгани ҳам бу бо-радаги муваффақиятлар га-ровидир. Тарбияланувчилар-

вуждларнинг ҳаётий муҳим фазилатларини йил мобай-нида муттасил қувватлани-шини таъминлаб туриш мақ-садида бу ерда фитобар-ишлаб турибди. Унинг бе-каси — тиббиёт катта ҳам-шираси С. Булавина турли ўт-ўлан ва ўсимликлардан шарбатлар ҳозирлаб, улар-нинг оқилона истеъмол қилинишини назорат қилиб боради.

Соҳа мутахассислари бар-ча тарбияланувчиларни му-таазам кузатиб борадилар. Соғломлаштириш мажмуи



тадбирлари жарроҳ У. Бой-зоков ва психоневролог Н. Кан каби шифокорлар назо-рати остида амалга ошири-лади.

Ерқин мўъжизага, бекиёс эрталар оламага киёс қил-гулик релаксация хонасида болалар кундалик бошқа таъмирлашнинг унутиб, дам

тарбия жараёнида ўқитув-нинг фақат янги ва илгор усулларидан фойдаланила-ди. Таҳрибли катта тар-биячи З. Резвускина бу масалага, айниқса, катта эътибор билан қарайди. Мониторинг хонасида боғ-чадаги таълим-тарбия фа-олияти, ходимлар педаго-гик маҳорати таҳлили, сўнги уй йил мобайнида ўтказилган кўрик-танлов-лардаги рейтинг ўз ифо-дасини топади.

Болаларни мактабга ҳозирлаш жараёни ҳам эътиборни ўзига жалб эта-ди. Унда мактаб билан ҳам-корликда тайёрланган те-слардан унумли фойдала-нишмоқда.

Боғчада ўзбек тилини ўрганишга алоҳида масъу-лият билан қаралаётгани, истеъдодли ўқитувчи Г. Албердина ҳар бир маш-гулотга иқодий ёндашаёт-гани, тарбияланувчилар ўзбек тили фестиваллари-да жон-диллари билан иштирок этаётганликлари ҳам диққатга сазовор. Бун-дан ташқари, болалар ин-глиз тилини ҳам ўрганиш-моқда.

Озода ва шинама ўйин хоналарини кўздан кечи-раркан, Г. Мухаммадиева, Н. Шуклина, А. Устилов-ская сингари тарбиячилар меҳнатига офарин айтмай иложингиз йўқ.

Умуман, бу боғчадан бир олам таассуротлар билан қайтдик. Киروي боғча бўлса, шунчалик бўлар. Виллоятдаги бошқа боғчалар ҳам ундан ўрناк олсалар ёмон бўлмасди.

**Шоира
АБДУШОҲИДОВА,
Мастура ХУҲАЕВА,
СУРАТИРДА**

тарбияланувчилар ўсимлик-лар шарбати билан сийлан-моқда; релаксация хонасида-ги машгулотлар чоғида.

Дилшод АҲМЕДОВ
олган суратлар.

Ёзги таътил манзиллари

14-19 июнь кунлари жуда кўп болалар орзиқиб қутаятган дам олиш мавсуми бошланади. Шу кўнлар-ри вилоятимиз кўчаларидан болажонларни оромгоҳ-ларга олиб бораётган автобуслар қарвони ўтади. Тошкент вилоятидаги ҳушманзар ва тоғлар бағрида жойлашган баҳаво оромгоҳлар ўғил-қизларни ўз қучоғига олади. Виллоят бўйича бу ёз 26 минг на-фар ўқувчининг кўнгилли ҳордиқ чиқариши режа-лаштирилган.

Олтин ёзни ҳеч ким бо-лаларчилик орзиқиб қутма-са керак. Ахир, бу фаслда мактаб, дарс қилиш деган гаплар бўлмайдилар. Улар уч ой мазза қилиб дам олади-лар. Бундай пайтларда, айниқса, шаҳар ташқари-даги оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришга не етсин?

Ота-оналар ҳам фарзан-дларини таътил пайти соя-салкин, доимо тарбиячилар назоратида бўладиган оромгоҳга жўнатиш пайида бўлади. Чунки сершовкин шаҳардан йироқда — она табиат қучоғида ўтказадиган қизиқарли тадбирлар, мусо-бақалар, ўйин-қўлги, хур-сандчиликларга бой қайноқ ҳаёт болаларнинг ҳам жис-монан, ҳам руҳан чинқири-лади. Турли жойлардан келган тенгдошлари билан аяқидан танишиб, дўстлар орттиради. Қолаверса, би-рон мўддат истикомат жой-идан узоқроқда бўлган бола соғинч нималигини чўқур-роқ ҳис қилиб, оиласига,

мактабига меҳри олиб қайта-ди.

Тошкент вилояти эса бо-лаларнинг бундай сеvimли дам олиш масканларига бой. Бўстонлик, Паркент, Оҳанга-рон туманларининг тақро-ланмас табиати, доим ям-яшил қир-адирлари, шифо-бахш сувлар дам олувчилар-ни азалдан ўзига жалб этади. Шу босқандан бўлса керак, бугунги кунда биргина Бўстонлик туманининг ўзида етмишга яқин оромгоҳ бор. Уларнинг аксарияти болалар-нинг ёзги таътили учун мўлжаллаб қурилган. Шулар-нинг ўн саккизтаси вилоятга тегишли. Эътиборлиси шун-даки, уларнинг аксарияти са-натория типлида бўлиб, ёш ав-лодни соғломлаштиришда жуда қўл келадилар.

Виллоятда болалар ором-гоҳларини мавсумга тайёр-лашга жиддий аҳамият берил-моқда. Ҳозир маҳаллий ҳокимликлар, корхона ва та-шкилотлар, қасаба уюшмалари ходимларининг ишлари қизи-

ган. Айниқса, Бўстонлик ту-мани маъмурияти тиним бил-майди. Ахир, мавсумда бу ер-даги оромгоҳларга, энг эмас кўп эмас, эллик минг нафар ўқувчи келиб-қетади. Болалар дастурхонини ширин-шакар мевалар, гўшт, сўт маҳсуло-тлари билан мунтазам таъмин-лаш, тиббий ёрдам кўрсатиш асосан уларнинг зиммасида. Бироқ, айни пайтда бу бора-да ютуқлар билан бирга кам-чиликлар, тезда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам анчагина.

— Туманимиз ҳудудидаги 400 тонна ун керак. — Моддий қийинчиликлар баҳонасида ёпиб обораётган оромгоҳлар ҳам йўқ эмас. Аммо биз мавжуд дам олиш масканларини сақлаб қол-дик, — дейди вилоят қасаба уюшмалари кенгаши раиси-нинг ўринбосари Рустам Тур-диалев. — Хусусан, бу йил оромгоҳларнинг девяли қам-мас болаларни қабул қилиш имкониятига эга. Бунинг учун илтимойи сўғурта, қасаба уюшмалари ҳамда корхона ва ташкилотлар ҳисобидан 246 миллион сўм сарфлан-

моқда. Болаларнинг ёзги таъ-тили учун вилоятда илгари бунчалик кўп маблаг ажра-тилмаган. Биз Бўстонликда бўлгани-мизда кўпгина корхоналар болажонлар учун бутун им-кониятларини ишга солаётга-нига гувоҳ бўлдик. «Чирчик-қишмаш» ҳиссасдорчилик жа-мияти жамоаси ўзига қараш-ли «Дўстлик» оромгоҳининг қурилиш-таъмирлаш, обо-донлаштириш ишларига етти миллион сўмга яқин маблаг сарфлади. Тўрт сменада

масканидаги ҳар бир бино, жиҳоз болалар руҳи, қизи-қиши, дунёқарашига мос. Бу ердаги ноёб гуллар ва бо-шқа ўсимликларнинг акса-рияти корхона иссиқхонаси-дан кўчириб келтирилган.

Лекин ҳамма оромгоҳлар-ни ҳам мавсумга тайёр, деб бўлмайдилар. Хусусан, «Саломат-лик»-роқ ҳиссасдорлик жамия-ти тасарруфидеги «Лола», «Дўстлик» оромгоҳларини таъмирлаш, ободонлаштириш кечиктириб юборилган. Ҳол-буки, асосан қишлоқ бола-

лари ҳордиқ чиқарадиган бун-дай оромгоҳлар сони унча-лик кўп эмас, улардаги ўрин-лар ҳам ҳисобли. Маблаг та-қинчилигини баҳона қилишди. Аммо кўпгина жамоалар, масалан, Ўзбекистон ўтга чи-дамли ва қийин эрийдиган металллар комбинати ўз тасар-руфидеги дам олиш маска-нини биноийдий қилиб қўйга-нини кўриб, бу гапларга ун-чалик ишонингиз келмайди. Ҳамма гап болажонларга бўлган эътибор, муносабат-да бўлса керак.

Ҳозирги шароитда тасар-

холда, ота-оналар аввал-ги йиллардан фарқли ўлароқ, бу йил шу маб-лагнинг атиги беш фои-зини тўлашади. Кам таъ-миланган, кўп болали оила-ларга йўлланмалар бепул.

Бироқ назаримизда, бу кўпроқ иктисодий баку-ват корхоналарга тегиш-ли гагга ўхшайди. Чунки, ночорлари ўз ходимлари фарзандлари учун йўлланмаларни ҳар доим ҳам сотиб ололмапти. Масалан, ҳудудида дам олиш масканлари кўп бўлган Бўстонлик тумани агросаноат мажмуи хо-димлари қасаба уюшмаси кўмитасига бор-йўри 180 та йўлланма ажратилган. Ҳўжаликлар шунч ҳам со-тиб ололмапти. Бу эса оромгоҳларда асосан ша-ҳарликлар ҳордиқ чиқари-шдан далолат беради.

Виллоят оромгоҳлари бу йил экологик ноёб ҳудуд ҳисобланган Хо-разм вилоятидан 1,5 минг нафар болани қабул қилиб олишга тайёрлаб қўйилди. Болаларнинг ёзги таътили маъмулини ўттиши, улар янги ўқув йилига руҳан тетик, жис-монан бақувват бўлиб қай-тиши шубҳасиз.

**Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.**

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ ХИЗМАТИ ИШГА ТУШДИ

ҚИБРАЙ. «Соғлом авлод йил»да туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. «Унқўрғон», «Чинобод» қишлоқларида янги шифо масканлари фаолият кўрсата бошлаганлиги таҳсинга лойиқдир.

Кунчи кеча, яна бир ҳайоли иш амалга оширилди. Марказий шифохонада уч қаватли шинам бино тез тиббий ёрдам хизмати ихтиёрига топширилди. Бино қисқа вақт ичида гоёт сифатли қилиб таъмирланди. Даволашни замонавий услубда амалга ошириш учун зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз: бинони таъмирлашда тумандаги барча ширкат

риб, таҳриба ўрганиб, малякаларини ошириб қайтидилар.

— Янги масканимизнинг биринчи қаватида, — дейди бўлим мудири Тоҳиржон Иноғомов, — диагностика, иккинчи қаватида эса, даволаш, учинчи қаватида реабилитация бўлимлари жойлашган. Биз бир йўла 50 беморни қабул қилиб, уларга амалий хизмат кўрсатиш имкониятига эгамиз.

Янги шифо масканида беморларни қабул қилиш ва даволаш ишлари бошлаб юборилди. Беморлар курсатилган хизматдан мамнун бўлаётганликлари бизни руҳлантормоқда.

Н. РИХСНЕВ.

«МУНОЖОТ»НИНГ ПАРВОЗИ

Юрчириқчиқ туманидаги Янгибозор маданият уйи қошида ташкил этилган Бахринос Пардахўжаева раҳбарлигидаги «Муножот» фольклор-этнографик халқ дастасининг ташкил топганига бу йил 20 йил тўлади.

Ўтган қисқа, аммо машаққатли йиллар ичида мазкур халқ дастаси ўзининг миллий руҳдаги куй-қўшиқлари билан санъат ихлосмандларининг олқишига сазовор бўлди. Даста аъзолари мамлакатимизнинг турли туман, шаҳар ва вилоятларида ҳамда қўшни республикаларда ҳам бўлиб, миллий санъатимиз довуғини

«Истиклол алласи» каби мавзулардаги алла қўшиқлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, кўрик-танловнинг фахрли биринчи ўринига лойиқ деб топилди.

Ҳалиб дастага вилоят маданият ишлари бошқармасининг биринчи даражали дипломи ҳамда Наманганда бўлиб ўтадиган республика «Алла» кўрик-танловида иштирок этиш учун йўлланма берилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

«ТАШНАЛИК» ИРКУТСККА ЙЎЛ ОЛАДИ

Ўзбекистон ҳужжатли киноси усталари томонидан ишланган «Ташналик» фильм-эссесиди тузум сиёсати тўғрисида юзага келган экологик ҳолат — Орол денгизининг қуриши рамзий тимсолларда ифодаланади.

Сценарий муаллифи ва режиссёр Тоир Юнусов режиссёр Махмуд Тўйчиев ва оператор Шавкат Нурмухамедовлар билан ҳамкорликда суратга олган ушбу картинада Оролнинг пасая бо-риши тадрижий ҳаритаси ҳам берилиб, ўтмиш йиллар хро-никул кадрларидан унумли фойдаланилган.

Мазкур янги ҳужжатли асар «Ўзбекистон XXI аср

Шоҳмат оламида

...ЁШЛИК КИЛАСИЗ

1914 йилда Петербург-да ўтказилган йирик халқаро турнирга ўша пайтнинг энг зўрлари — Ласкер, Капабланка, Алёхин ва бошқалардан ташқари ик-кита аглиялик шоҳмат фак-риилари — Блэкберн ва Гунсберг ҳам тақриф эти-лади. Кексалар ўзаро уч-рашувда «бир-бирларининг гўштарини едилар».

— Сиз ҳали мен билан ўйнашга ёшлик қиласиз, йигитча! — деди Гунсберг-ни ютган Блэкберн.

Ушанда Блэкберн 72 ёшда, рақиб эса «энди-на» 60га кирган эди.

ЮРИШЛАР ВАКТ БИЛАН

ЧЕГАРАЛАНМАГАНДА...

1851 йилда Лондондаги турнирда махсус шоҳмат соатлари йўқлиги сабабли галати воқеалар юз берган. Чунинчи, ҳар бир партияга биттадан махсус котиб тайинланиб, у юришларни қўшниқ билан ташқари, ўйин пайтида содир бўлган барча икки-чакирларни ҳисобга олиб борган.

Бир столда «ўйлайвер-риб, рақибимни жонидан тўйгазаман» деган ниятда-да, икки шоҳматчи ўрашиб қолди.

Ўйин бошланганига ўн соатдан ошса-да, кети қўйинмасди. Бироқ бу ўйин қўқисдан «туғди». 12 соат бўлай деганда, котиб протоколга охириги марта: «Иккала шоҳматчи ҳам ухлаб қолди», деб ёзди ва имзо чекиди.

ЦЕЙТНОТ КАСОФАТИ

Бу қизиқ воқеа 1947 йилги Украина чемпионатида спорт мастерлари Ю. Сахаров билан А. Замиховский ўртасидаги партияда содир бўлган. Замиховский катта устуликка эга экан-лигига қарамай, цейтнотда ўзига ишонмасдан ўйинни давом эттира бошлади.

Кутилмаган бир пайтда Сахаров бир сипоҳни кишт берадиган ҳолатда қурбон қилади ва овозининг бо-рича: — «мот бўлдингиз шекилли!» дейди. Замиховский беихтиёр соатини тўхтатади-да, бошини чай-қатиб, қўлини рақиб томон-га узатади. Лекин, шу за-ҳотиёқ у ҳали мот йўқли-гини сезиб қолади ва эъти-роз билдирди.

Шунда Сахаров ўта со-вукқонлик билан: «Сизнинг мот бўлганлигингизга мен-нинг мот ишончим қилиб эмасди!» — дейди.

ХАК ЖОЙИДА КАРОР ТОПАДИ

Шоҳмат ўйинида «уш-лганни юриш лозим», қоида-си бор. 1955 йилда Лион (Франция)да ўтказилган студентлар жаҳон бирин-чилигида А. Суэтин билан Ватера ўртасида ўйналган партияда Ватера доналарин-нинг бирини юради-да, ўз-юришининг ёмонлигини се-зиб, дарҳол донани аввал-ги жойига олиб қўяди. Суэтин таржимонга муро-жаат қилади.

Ватера шунда усталик билан жавоб беради: «Сиз айтгандек ёмон юриш қилишмига ўзим ҳам сира ишонмайман».

Мамажон МУХИДИНОВ.

Дилкаш сўхбатлар

Ёниб турган пайтимиз эмасми, мен ҳам, Эмин Усмон ҳам, Шавкат Туроб ҳам раислик қилувчи «Яна ким гап-ради», деганда, сўзга чиқдик. Айниқса Шавкат жуда ошириб юборди.

— Сизнинг асарларингиз ҳатто кос-мосгача етиб борган. Ушаёқларда ҳам машхур, — қабилида сўзлади.

— Хов бола, — қилди Саид Аҳмад ака. — Сал пастроқ туш, мен ҳикоя-ларимни одамлар учун ёзаман, қол-дулар учун эмас.

Иккинчи қовунни мен туширдим.

— Домла, асарларингизнинг бир варағини носвойчининг қўлида кўриб, ўқиб, бу Саид Аҳмаднинг фалон ҳикоя-сидан, деб айта олади мухлисларин-гиз, — дедим. Саид Аҳмад ака менга бошдан-оёқ қаради: «Носвойчининг ўғлига ўхшамасан-ку!» деб қўйди-лар. Ташқарига чиксақ одамлар тўпланган. Ҳамма битта-битта китоб ушлаб олган. Саид Аҳмадга дастхат ёздиришга шай бўлиб туришарди...

зди» ҳикоясини ёзиб бергандин-гиз...

— Эсимда, эсимда. Чиндан ҳам бо-лалиқда кириб-чикмаган кўча қолма-ган. Бир қарасанг, артист бўлгим ке-ларди. Дорбоз бўлман, деб икки да-рахтга арқон тортиб, ундан йиқилиб оёғим синган. Масхарабозларга эр-гашиб алламаҳалгача юрганман. Бир

кўз бойлогич бир қоп син-ган шиша устида ялангоёқ томоша кўрсатди. Камина ҳам бир қанча шишаларни синдириб, устига девордан сакраганман. Қанча вақт қўлтиқ-таёқда юрганман. Бирдан рассом бўлгим ке-п-қолди. Қанча-қанча алвонлар-га шиорлар ёзганман. Қа-моқда шу қасбим жуда қўл келган. Охири ёзувчилик

— Бажонудил, болам. Энди одат бўйича қаерда туғилгансиз, қачон ту-ғилгансиз, деб ҳоли-жонимга қўйма-санг керак. Бундан саксон йил ол-дин худди 10 июнь кун Тошкент-нинг Самарқанд дарвоза маҳалласи-да туғилганман. Ички-ташқили ҳов-лимиз бўларди. Авваллари айтол-масдим, бувам Дадахўжа шаҳарнинг энг катта бойларидан бўлган. Илм-га, ўқишга ихлосманд эдилар. Во-лидаи муҳтараман Зулфияхон ая Фуломқори қизлари ҳам саводли, ҳу-снихатли аёл эдилар. Дадам Ҳусан-хўжа рус тилини мукаммал билар-дилар. Ўқишни қўяверинг, ёзишда ҳам биронта хато қилмасдилар.

— Зиёли, адиб бўлишингизда оилавий муҳитингиз асос, ўқ ил-диз бўлган экан-да?

— Шундай бўлса керак. Ташқари ҳовлимизда Мирмашиқ Юнусов деган киши турарди. Шоир Элбек-ни биларсан? Ана ўша шоир Мир-машиқ ака эди. Ҳар жумада ташқи ҳовлимизда гурунг авжига чиқарди. Элбекни йўқлаб Абдулла Қодирий, Фулом Зафарий, Ғози Юнус, Гафур Фулом, Ойбек, Хуршид, Комил Али-ев, Тавалло, Ҳислат каби қалам ах-лари, санъаткорлар келишарди. Мен уларнинг нон-қойидан хабар олиб ту-рардим.

— Айтишларича, қатағон ша-моллари сизга ҳам тегиб ўтган экан?

— Бир менга эмас, оиламга ҳам теккан. 1938 йилда дадамни қамоққа олишган. Шундан кейин уни қўрма-дим. Орадан чорак аср ўтган, да-дамни терговдаёқ қазо қилганини билувдим. «Халқ душманининг ўғли» деган тағма мени неча йиллар таъ-қиб этди. Сурғун аэобларини, кам-ситишларини, хўрлашларини бошим-дан кечирдим. Шу сўз мени ўз вақ-тида кўп нарсалардан маҳрум қил-ди. Бир мен эмас, раҳматли умр йўлдошим аҳойиб шоира Саида Зуннунова ҳам одам боласи чида-лмайдиغان аламларга дуч келди. Улар ҳақда «Йўқотганларим ва топганла-рим» китобида ёзганман.

— Боя оилангиз ҳақида гап-лашдик. Эсингизда бўлса, «Гул-хан» журналида 1971 йилда ўн уч ёшлиларга бағишланган махсус сон тайёрлаган эдик. Ушанда «ўн уч ёшимда ўн уч хил орзум бор

ишқи дилимга тушди. Кўриб туриб-сан, шу қасбим элга танитди. Тақди-римдан хурсандим.

Эслаш. Биз янгигина мактаб би-лан хайрлашган ўн етти-ўн саккиз ёшли ўсмирлар эдик. Эски Жўвадаги «Турон» кутубхонасида Саид Аҳмад билан учрашув бўлди. Тўртта-бешта шевърни матбуотда эълон қилдириб, маст бўлиб юрган Эмин Усмон, Ша-вкат Туроблар билан Саид Аҳмадга, ўша «Ҳукм», «Қадрдон далалар», «Ой-дин кечалар» каби ўйнаб қисса ва ҳикоялар китобларининг муаллифи бўлган адибга махлиё бўлиб ўтириб-миз. Унинг ёнида ўшанда «Севгим, севгимиз» қиссаси эндигина босилиб чиққан раҳматли ўлмас Умарбеков бор эди. Қизлар ниятда қўлиқ ўлмас акадан кўз узишмас, шивирлашар, ну-қул унга савол ёзиб, қогоз узатишар эди. Ўлмас ака саволларнинг тўртта-сига жавоб берди.

— Биринчи ҳикоянгни қачон ёзган эдингиз? — Олтиш йилдан ошди. Уни «Иш-қибоз» деб атаган эдим. Машхур фелетончи Комил Алиев яхшилаб тах-рир қилиб берган. «Муштум»да босил-ган. Ҳаммага маъқул бўлгану, лекин Абдулла Қаҳҳорга мулақоа ёзмаган.

— Абдулла Қаҳҳорга унча-мун-ча нарсаси ёзмаган дейишди. Ле-кин шундоқ улкан бир ёзувчи си-зга шогирд сифатида алоҳида меҳр билан қараган-ку!

— Сал сабр қилиб тур, «Ишқибоз»-дан кейин «Дайди ошми», «Чарлстон», «Севинчи» ҳажвийларим босилди. Уч-тўрт ой ичида «Тортиқ» номли кито-бим чоп этилди. Ёзувчи Саид Аҳмад бўлганман. Бир кун «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида Абдулла Қаҳҳорнинг китобимга ёзган тақризи босилиб қолди. Ўқиб, ўзим-ни йўқотиб қўйдим. Абдулла ака ҳам

лат бера оласизми?

— Ҳа, уч йилга қафолат бера-ман.

ТЕТИБ КЕТДИ

Арра қидириб тополмаётган эр хотинидан сўради:

— Эски арраимиз қаерда, билмай-санми? Ошхонадан қайнонанинг овози эшитилди.

— Арра бўлсам ҳам, Худога шу-кур унча қариганим йўқ, ҳали анча ўткирман...

Шоира БОНУ тўплаган.

КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

СОҒ ЭМАС

Еш адвокат суддаги биринчи нутқини шундай бошлади:

— Ҳимоям остидаги одам ай-нан менга муҳожаат қилганинга ўзиёқ унинг ақл-хуши жойида эмаслигидан далолат бериб ту-рибди...

ҲАЛОЛЛИК

Адвокат:

— Ҳимоям остидаги одам ўғри-лигини ихтиёрий равишда ва чин дилдан тан олди. Ҳурматли суд,

шундай ҳалол ва очик кўнгил одам жиноятчи бўлиши мумкинми?

ЖАҲЛИ

ЧИҚМАСИН

Ўғил онасига:

— Отам ишдан келдилар. Унга аввал нимани кўрсатамиз — сотиб олган янги қўйлагиниғизни ёки менинг кундалик дафтаримни?

КАФОЛАТ

— Сотаетганингиз — чиндан ҳам Рембрандт асари эканлигига кафо-

лат бера оласизми?

— Ҳа, уч йилга қафолат бера-ман.

ТЕТИБ КЕТДИ

Арра қидириб тополмаётган эр хотинидан сўради:

— Эски арраимиз қаерда, билмай-санми? Ошхонадан қайнонанинг овози эшитилди.

— Арра бўлсам ҳам, Худога шу-кур унча қариганим йўқ, ҳали анча ўткирман...

Шоира БОНУ тўплаган.

БҒИЗ

УЛАРИНГ НОМИ КАНДАЙ КЕЛИБ ЧИККАН?

«Осиё» номи ассириликларнинг «асу» — қишқ, шарқ, унга қара-ма-қарши томон ғарб — оғрупа эса «эрб» — ботиш сўзидан келиб чиққан.

Италия денгизчиси Веспуччи 1503 йилда жанубий қитъани янги дунё деб атаган, кейинчалик бу ном иккала қитъага тарқалган. Аме-риго Веспуччининг номи билан аталган «Америка» номи биринчи марта 1515 йилда пайдо бўлган. Илгари бу факат жанубий Амери-кага тегишли эди. Бу ном унинг шимоллий қисмига 1538 йилдаги хариталарда ҳам ёйилди.

«Антарктида» номи иккита грек-са сўзлардан «янти» — қарши ва «арктикос» — шимоллий сўзлардан иборатдир. У Ерининг Арктикага нисбатан қарши жойлашган қитъа-асидир.

ГИННЕС КИТОБИНИ КИМ КАШФ ҚИЛГАН?

Гиннеснинг рекордлар китоби Англияда пайдо бўлганлигини кўпчилик билади. 1951 йилда сэр Хью Бивер Ирландиядаги ов вақ-тида «олтин ржанка» номи билан аталадиган тезувар қушни қанча уринмасин ота олмади. Ўзининг омадсизлигига баҳона толишга ин-тилиб, билдиргичларнинг бирида бу парранданинг тез учуши ҳақидаги маълумотга дуч келиб қолди. Ўша вақтда ундан кўпдан-кўп ва турли хил саволларнинг жа-вобсиз қолмаслиги учун барча энг-энг нарсалар ҳақида ахборот бе-радиган билдиргич китобини яра-тиш керак, деган фикр туғилди.

Бу гоғна амалга оширишга Ир-ландиянинг «Артур Гиннес, ўғли ва Ко» пиво фирмаси ҳомийлик қил-ди. Китобнинг дастлабки наشري 1955 йилда Лондонда пайдо бўлди.

ТУМАНДАН... СУВ ОЛИНМОҚДА

Чилининг чекка тоғли ҳудудла-рида сувни тумандан олиш йўлга қўйилган. Бунинг учун катта пла-стик полотно тўрдан фойдаланил-моқда. Бу энг узоқдаги ва ажра-либ келган аҳоли манзилларини арзон ва тоза ичимлик сув билан таъминлашнинг қўлай усули бўлиб қолиши мумкин.

«Нью-Йорк Таймс» газетасининг хабар беришича, канадаллик ва чилилик муҳандислар гуруҳи шун-дай йўл билан кичик Чунунго қиш-логини оби ҳаёт билан таъмин-лашга етадиган микродоғи на-мликни тўпладилар. Бу қишлоқ аҳолиси кўп йиллар давомида биринчи марта тоза ичимлик су-видан баҳраманд бўлди. Одамлар бу усулдан ҳам деганда 22 мам-лакатда, айниқса Лотин Америка-си ва Африкада муваффақиятли фойдаланиш мумкин деб, ҳисоб-лашмоқда.

КҮП ЮВИНИШ ЗАРАРЛИ

Совун ва бошқа қимёвий юви-ниш воситаларидан кўп фойдала-ниш зарарлидир. У инсоннинг энг муҳим ҳимоя механизмиларидан бири — тери иммунитетини ҳалок қилади. Бизнинг теримиз мурак-каб, у микроблардан ниятда юк-ка ёғ қатлами билан ҳимоялан-ган. Агар у бузилса инфекциялар учун эшик очилади.

Албатта, бу ювинишнинг шун-дай воситаларидан асло фойдалан-маслик лозим дегани эмас. Қир-ланиш ҳам ноҳушдир, у турли ка-салликлардан ҳам сақламайди. Унинг ҳуноқ эстетик томони ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Хулоса, ҳар-қуни замонавий қимёвий тарқал-ган кенг ювиш воситаларидан фойдаланиш шарт эмас. Оқдйи душга тўшиб туриш ва ҳар доим оқдйи мустаҳаб қилиш қифоя эта-ди. Тери ҳам керак сақлайди ва ўзимизга қўнусабадгаги саводсиз-лиқни кечирмайди, демокдалар мутахассислар.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
•
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДИНОВ

Манзил:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар
булими: 133-40-48
Эълолар: 133-40-48,
136-57-27.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда далил-ларнинг тўғрилиги учун рек-лама ва эълон берувчилар масъулдир.